ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИ АКАДЕМИЯСИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017.Yu.25.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИ АКАДЕМИЯСИ

КАРИМОВА ДИЛРАБО ЭРГАШЕВНА

ИЧКИ ИШЛАР ОРГАНЛАРИ ТЕРГОВЧИСИНИНГ ЖИНОЯТ ҚИДИРУВ БЎЛИНМАЛАРИ БИЛАН ҲАМКОРЛИГИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

12.00.09 – Жиноят процесси. Криминалистика, тезкор-қидирув ҳуқуқ ва суд экспертизаси

ЮРИДИК ФАНЛАР БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент – 2018

УДК: 343.102

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Contents of the abstract of the dissertation of the Doctor of Philosophy (PhD)

Каримова Дилрабо Эргашевна
Ички ишлар органлари терговчисининг жиноят қидирув бўлинмалари билан ҳамкорлигини такомиллаштириш..... 3

Каримова Дилрабо Эргашевна
Совершенствование взаимодействия следователя органов внутренних дел с подразделениями уголовного розыска……. 25

Karimova Dilrabo Ergashevna
Improvement of interaction of the investigator of internal affairs bodies with the subdivisions criminal search…….. 47

Эълон қилинган ишлар рўйхати
Список опубликованных работ
List of published works..... 51

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИ АКАДЕМИЯСИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017.Yu.25.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИ АКАДЕМИЯСИ

КАРИМОВА ДИЛРАБО ЭРГАШЕВНА

ИЧКИ ИШЛАР ОРГАНЛАРИ ТЕРГОВЧИСИНИНГ ЖИНОЯТ ҚИДИРУВ БЎЛИНМАЛАРИ БИЛАН ҲАМКОРЛИГИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

12.00.09 – Жиноят процесси. Криминалистика, тезкор-қидирув ҳуқуқ ва суд экспертизаси

ЮРИДИК ФАНЛАР БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент – 2018

Докторлик (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2017.2PhD /Yu65 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Академиясида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифаси (www.akad.mvd.uz-ilmiy-kengash) ва «ZIYONET» ахборот-таълим тармоғида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:	**Пулатов Бахтиёр Халилович** юридик фанлар доктори, профессор
Расмий оппонентлар:	**Пулатов Юрий Сайфиевич** юридик фанлар доктори, профессор
	Рахмонова Сурайё Махмудовна юридик фанлар номзоди, доцент
Етакчи ташкилот:	**Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги қошидаги Юристлар малакасини ошириш маркази**

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Академияси ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.27.06.2017.Yu.25.01 рақамли илмий кенгашнинг 2018 йил 27 июнь куни соат 14.00даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100047, Тошкент шаҳри, Интизор кўчаси, 68. Тел.: (99871) 265-22-52; факс: (998971)265-23-50; e-mail: info@акад.mvd.uz).

Диссертация билан Ички ишлар вазирлиги Академияси ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (92-рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100047, Тошкент ш., Интизор кўчаси, 68. Тел.: (99871) 265-22-52.

Диссертация автореферати 2018 йил 14 июнь куни тарқатилди.

(2018 йил 14 июндаги 3-рақамли реестр баённомаси).

Ў.Х. Мухамедов
Фан доктори илмий даражасини берувчи илмий кенгаш раиси, юридик фанлар доктори, профессор

И.Ю. Фазилов
Фан доктори илмий даражасини берувчи илмий кенгаш илмий котиби, юридик фанлар доктори

А.Г.Закирова
Фан доктори илмий даражасини берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, юридик фанлар доктори, профессор

КИРИШ (Докторлик (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунёда жиноятларни тез ва тўлиқ очиш, жиноят содир этган ҳар бир шахсни фош этиш, жиноятчиликка қарши курашиш, фуқароларнинг хавфсизлиги ва уларни ҳуқуқларини жиноий тажовузлардан ҳимоя қилишда ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш масаласи объектив заруратга айланди. Жиноятларни очиш, тергов қилиш ҳамда суд ва терговдан яшириниб юрган шахсларни қидириб топиш бўйича фаолиятни ташкил этилиши борасидаги эмпирик кузатувлар терговчиларнинг терговга қадар текширувни ёки тезкор-қидирув фаолиятини амалга оширувчи органлар, хусусан, жиноят қидирув бўлинмалари билан ҳамкорлиги масалаларини алоҳида илмий таҳлил этишни талаб этади.

Жаҳонда жиноятларнинг олдини олиш, уларни очиш ва тергов қилишда ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг ўзаро ҳамда идоравий ҳамкорлигини таъминлашга қаратилган халқаро ва миллий механизмларни такомиллаштириш чуқур тизимли ва комплекс илмий-тадқиқот ишлари олиб борилишини тақозо этмоқда. Содир этилган жиноятларни тез ва тўлиқ очиш, уларни ҳолисона ва сифатли тергов қилишда терговчининг жиноят қидирув бўлинмалари билан самарали ҳамкорлигини таъминлаш, унинг механизмини ишлаб чиқиш, мазкур ҳамкорлик субъектларининг ҳуқуқ ва мажбуриятларини аниқ белгилаш, ҳуқуқни қўллаш амалиётида учрайдиган жиноят-процессуал муаммоларнинг илмий-назарий ва амалий ечимини топиш бўйича эришилган ютуқларни умумлаштириш ҳам долзарб аҳамият касб этади.

Республикамизда инсон ҳуқуқ ва манфаатлари устуворлигини таъминлаш мақсадида кенг қамровли дастурий тадбирлар ўтказиб келинмоқда. Хусусан, кенг миқёсдаги суд-ҳуқуқ ислоҳотлари орқали судларнинг ваколатлари кенгайтирилиб, прокуратура органларининг ваколатлари қайта кўриб чиқилмоқда, суриштирув институти тубдан ислоҳ қилиниб, адвокатура институтининг мақоми оширилмоқда. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг Қонун устуворлигини таъминлаш ва суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилишнинг устувор йўналишларидан бири сифатида «жиноятчиликка қарши курашиш ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш борасидаги фаолиятни мувофиқлаштиришнинг самарадорлигини ошириш» [1] белгиланган. Бу борада ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ўртасида ўзаро ҳамкорликни мустаҳкамлаш, жиноятчиликка қарши курашиш ва жамоат тартибини сақлаш бўйича ички ишлар органларининг фаолиятини тубдан такомиллаштириш, улар фаолиятида фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоясини таъминлаш, замонавий инновацион бошқарув технологияларини жорий этиш, халқ билан юқори савиядаги ҳамкорликни ташкил этиш каби масалалар назарда тутилган. Бу эса жиноят процесси назарияси ва суд-тергов амалиёти билан боғлиқ муаммоларни ҳал этишда

[1] Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони // www.lex.uz.

терговчининг терговга қадар текширувни ва тезкор-қидирув тадбирларини амалга оширувчи органлар билан ҳамкорлигини тартибга солувчи нормаларни ишлаб чиқишни, жиноятларни очиш ва тергов қилишда жиноят-процессуал ва тезкор-қидирув фаолиятининг имкониятларидан комплекс ва самарали фойдаланишни, бу борадаги ҳамкорликнинг моҳияти, аҳамияти, шакл ва принципларини белгилашни, терговчининг жиноят қидирув бўлинмалари билан ўзаро ҳамкорликдаги ҳаракатларини мувофиқлаштиришни такомиллаштиришни долзарб масалага айлантиради.

Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодекси (1994), «Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида»ги (2012), «Ички ишлар органлари тўғрисида»ги (2016) қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 21 октябрдаги «Суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилиш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-4850-сон, 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сон, 2017 йил 10 апрелдаги «Ички ишлар органларининг фаолияти самарадорлигини тубдан ошириш, жамоат тартибини, фуқаролар ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларларини ишончли ҳимоя қилишни таъминлашда уларнинг масъулиятини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-5005-сон, 2017 йил 18 апрелдаги «Ички ишлар органларининг жиноятларни тергов қилиш соҳасидаги фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-2898-сон фармонларининг ҳамда 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси ва уни «Фаол тадбиркорлик ҳамда инновацион ғоялар ва технологиялар йилида» амалга ошириш бўйича давлат дастурида тергов ва терговга қадар текширувни ёки тезкор-қидирув фаолиятини амалга оширувчи органлар фаолиятини янада такомиллаштиришга оид вазифаларнинг бажарилишида ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги. Диссертация республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. «Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Ҳуқуқни муҳофаза қилиш, жумладан ички ишлар органларининг бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари билан ҳамкорлигини ташкил қилиш масалалари бўйича илмий тадқиқотлар Б.А. Миренский, Ғ.А. Абдумажидов, Ю.С. Пулатов, Д.М. Миразов, З.Х. Гулямов, М.А. Раджабова, З.Ф. Иногомжанова, Ф.М. Мухитдинов, Г.З. Туляганова каби олимлар томонидан амалга оширилган[2]. Жиноят-процессуал ва тезкор-қидирув фаолиятининг ўзаро муносабатига оид масалаларни – Т.Р. Саитбаев, А.А. Хамдамов,С.Н. Гордеев,

[2] Бу ва бошқа манбалар диссертациянинг фойдаланилган адабиётлар рўйхатида келтирилган.

Г.А.Алимов; яширинган жиноятчини қидириш чоғида терговчининг тезкор-қидирув бўлинмалари билан ҳамкорлигига оид муаммоларни – А.А. Матчанов; дастлабки тергов ва суриштирув органларининг фаолиятини прокурор томонидан назорат қилиш масалаларини Б.Х. Пулатов кўриб чиқишган.

Терговчининг тезкор-қидирув фаолиятини амалга оширувчи органлар, шунингдек бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари билан ҳамкорлиги масалалари МДҲ мамлакатларида – Л.П. Плеснёва, Д.И. Астапкин, Е.С. Безруких, М.Ю. Бекетов, Е.А. Травкин, В.С. Зверев, А.А. Молибога, С.В. Слинько, Л.С. Каплан, Р.Г. Ушанов, Н.А. Аменицкая, А.В. Гордин, Т.А. Паутова, П.В. Гаврилин (Россия), С.Е. Еркенов, А. Оспанов (Қозоғистон), Н.Н. Гапанович, И.И. Мартинович (Белоруссия), А.Г. Саркисян (Арманистон), А.М. Бандурка, П.В. Берназ, С.В. Бондарь, И.И. Татарин (Украина), А.А. Мухитдинов, Р.Х. Рахимов, Х.Дж. Хошимов (Тожикистон); узоқ хориж мамлакатларида эса – С.В. Боботов, Л.Ш. Амбасса, Л.В. Головко (Франция), М.Н. Соломон, Дж. Голь, С. Смит, Д. Фишер, В.М. Николайчик (АҚШ), Ф. Марианн, Х. Баллин (Нидерландия), Ж. Вадакумчер (Хиндистон), Д. Марков, М. Ерданова, М. Ильчева (Болгария), А.К. Кавалиерис, Я.О. Залпетерис (Литва) томонидан кўриб чиқилган.

Мамлакатимизда суриштирувнинг тезкор-қидирув фаолиятини амалга оширувчи органлар сифатида тартибга солиниши ва уларнинг дастлабки тергов органлари билан ҳамкорлиги масалалари Б.Б. Хидоятов, суриштирув органларининг жиноят-процессуал фаолиятини такомиллаштириш масалалари ҳамда уларни терговчи билан ўзаро муносабатлари Ш.Ф.Файзиев томонидан тадқиқ этилган.

Ушбу муаллифларнинг илмий асарлари жиноят процесси фанига салмоқли ҳисса бўлиб қўшилди. Бироқ уларда терговчининг суриштирув органлари билан ҳамкорлигининг айрим процессуал ёхуд тактик жиҳатлари ўрганилган бўлиб, терговчининг терговга қадар текширувни ва тезкор-қидирув фаолиятини амалга оширувчи органлар билан ҳамкорлиги тадқиқ этилмаган, ушбу ишлар Ўзбекистон Республикасининг «Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида»ги, «Ички ишлар органлари тўғрисида»ги, «Суриштирув институтининг такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонунлари қабул қилинмаган вақтда ўтказилган. Бундан ташқари, ички ишлар органлари терговчисининг жиноят қидирув бўлинмалари билан ҳамкорлигининг бевосита назарий ва ташкилий жиҳатларига бағишланган алоҳида тадқиқотлар ўтказилмаган.

Диссертация тадқиқотининг диссертация тайёрланган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси илмий-тадқиқот ишлари режасини «Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал қонунчиликни либераллаштириш ҳамда жиноят-процессуал қонунчиликдаги янгиликларни амалиётга жорий этиш масалалари» номли илмий тадқиқотлари доирасида ўтказилган.

Тадқиқотнинг мақсади ички ишлар органлари терговчисининг жиноят-қидирув бўлинмалари билан ҳамкорлигининг назарий, ташкилий ва процессуал жиҳатларини такомиллаштиришга қаратилган таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

терговчининг жиноят қидирув бўлинмалари билан ҳамкорлигининг тушунчаси, аҳамияти ва ҳуқуқий асосларини тадқиқ этиш;

ҳамкорликнинг норматив-ҳуқуқий тартибга солинишини ҳамда ретроспектив таҳлилини ўрганиш;

терговчи ва жиноят-қидирув бўлинмаларининг ҳамкорлик шакллари ҳамда улар қатъий ва оғишмай риоя этишлари лозим бўлган ҳамкорлик принципларининг таснифланишини асослаб бериш;

ҳамкорликни жиноят-процессуал ва тезкор-қидирув жиҳатдан тартибга солишнинг ўзаро нисбатини ўрганиш, шунингдек терговчининг процессуал фаолияти билан жиноят қидирув бўлинмаларининг тезкор-қидирув функция-ларини уйғунлаштириш зарурлигини асослаб бериш;

терговчининг жиноятлар ҳақидаги ариза ва хабарларни терговга қадар текшириш чоғида жиноят қидирув бўлинмалари билан ҳамкорлигига хос хусусиятларни аниқлаш;

дастлабки тергов босқичида терговчининг жиноят қидирув бўлинмалари билан ҳамкорлигининг ўзига хослигини ўрганиш;

ривожланган хорижий давлатлар тажрибаси асосида терговчининг ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар билан ҳамкорлиги самарадорлигини ошириш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш;

терговчининг жиноят қидирув бўлинмалари билан ҳамкорлигига доир жиноят-процессуал қонун ҳужжатларини янада такомиллаштириш ва уларни қўллаш амалиётини ривожлантиришга доир таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти жиноятларни очиш ва тергов қилиш жараёнида ички ишлар органлари терговчиси ва жиноят қидирув бўлинмалари ўртасида юзага келадиган муносабатлар мажмуи ҳисобланади.

Тадқиқотнинг предмети терговчининг жиноят қидирув бўлинмалари билан ҳамкорлигини тартибга солувчи қонунчилик нормалари ва процессуал муносабатлар ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертацияда анализ ва синтез, мантиқий-лик, тарихий-ҳуқуқий таҳлил, қиёсий-ҳуқуқий таҳлил, анкета сўровлари, жиноят ишлари ва статистик маълумотлар таҳлили, кузатиш каби умум-назарий ва эмпирик тадқиқотлар қўлланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

терговчининг айрим тергов ҳаракатлари ва тезкор-қидирув тадбирлари-ни ўтказиш ҳақидаги топшириқларини уларда кўрсатилган муддатлар, шарт-лар ва тартибга мувофиқ бажаришнинг мажбурийлигини белгилаш таклиф этилган;

терговчининг терговга қадар текширув органларига топшириқлар беришининг процессуал тартибига оид қоидаларни қонунда мустаҳкамлаш таклиф этилган;

терговчи (суриштирувчи)га терговга қадар текширувни амалга оширувчи ёки тезкор-қидирув тадбирларини амалга оширувчи органларга шахсни ушлаб туриш, келтириш, қидириб топиш тўғрисида топшириқлар бериш, айрим тергов ҳаракатларини ўтказишда кўмаклашишни талаб қилиш ваколатларини бериш асосланган;

терговчи (суриштирувчи)нинг ўз юритувидаги ишлар бўйича тезкор-қидирув тадбирларини ўтказиш ҳақида ёзма топшириқлар бериш, ўз топшириқлари, кўрсатмалари, талаблари бажарилиши устидан назорат олиб бориши каби ваколаларини қонунда мустаҳкамлаш асосланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари. Ички ишлар органлари терговчисининг жиноят қидирув бўлинмалари билан ҳамкорлигини такомиллаштиришга қаратилган таклифлар суд-тергов амалиётида терговчи (суриштирувчи)нинг ўз юритувидаги ишлар бўйича тезкор-қидирув тадбирларини ўтказиш ҳақида ёзма топшириқлар бериши, ўз топшириқлари, кўрсатмалари, талаблари бажарилиши устидан назорат олиб борилишига, жиноятларнинг тез, тўлиқ очилиши ва сифатли, ҳар томонлама тергов қилинишига хизмат қилади.

Диссертация натижаси бўйича ишлаб чиқилган «Жиноятларни очиш ва тергов қилишда терговчининг жиноят қидирув бўлинмалари билан ҳамкорлигининг тартиби тўғрисида»ги Йўриқнома лойиҳасининг қабул қилиниши нафақат терговчининг жиноят қидирув бўлинмалари билан ҳамкорлигини такомиллаштирилишига, балки жиноят-процессуал муносабатларда ҳамкорликнинг самарали механизмини яратиш ва субъектларининг ҳуқуқлари янада кенгайтирилишига хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқот натижалари халқаро ҳуқуқий ҳужжатлар ва миллий қонунчилик нормалари, илғор хорижий тажриба, ҳуқуқни қўллаш амалиёти, социологик тадқиқотларнинг анкеталаштириш, интервью олиш сингари шакллари, статистик маълумотларни таҳлил қилиш натижаларини умумлаштириш ва тегишли ҳужжатлар билан асослаб берилди. Хулоса, таклиф ва тавсиялар апробациядан ўтказилган, уларнинг натижалари етакчи миллий ва хорижий нашрларда чоп этилган. Олинган натижалар ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланган ва амалиётга жорий этилган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг *илмий аҳамияти* унинг илмий-назарий хулосаларидан, таклиф ва тавсияларидан кейинги илмий фаолиятда, қонун ижодкорлиги жараёнида, ҳуқуқни қўллаш амалиётида, жиноят-процессуал қонун ҳужжатларининг тегишли нормаларини шарҳлашда, шунингдек жиноят-процессуал ҳуқуқ, дастлабки тергов, тезкор-қидирув ҳуқуқи ва криминалистика фанларини илмий-назарий жиҳатдан бойитишда фойдаланишга хизмат қилади. адқиқот натижаларини янги илмий тадқиқотлар ўтказишда, шунингдек юридик таълим муассасаларининг ўқув жараёнида қўллаш мумкин.

Тадқиқот натижаларининг *амалий аҳамияти* терговчининг жиноят қидирув бўлинмалари билан ҳамкорлигининг самарадорлигини янада оширишга хизмат қилишида намоён бўлади.

Шунингдек, тадқиқот натижалари ИИВ Академиясининг ўқув жараёнига татбиқ этилган (Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академиясининг 2017 йил 16 сентябрдаги маълумотномаси).

Тадқиқот натижаларининг жорий этилиши. Ички ишлар органлари терговчисининг жиноят-қидирув бўлинмалари билан ҳамкорлигини такомиллаштириш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

терговчининг айрим тергов ҳаракатлари ва тезкор-қидирув тадбирларини ўтказиш ҳақидаги топшириқларини бажаришнинг мажбурийлигига оид таклифлардан Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодекси нормаларини шакллантиришда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Қонунчилик ва суд ҳуқуқ масалалари қўмитасининг 2017 йил 24 февралдаги 06/1-05/303-сон маълумотномаси). Ушбу таклифлар жиноят қидирув бўлинмалари томонидан терговчининг тергов ва тезкор-қидирув тадбирларини ўтказиш ҳамда кўмак кўрсатиш ҳақидаги топшириқларини асоссиз равишда бажармасликнинг олдини олишга хизмат қилган;

терговчининг терговга қадар текширув органларига топшириқлар беришининг процессуал тартибига оид таклифлардан Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодекси нормаларини акс эттиришда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг 2017 йил 20 апрелдаги 3/11-926/2-сон маълумотномаси). Ушбу таклифларнинг инобатга олиниши жиноятларни очиш ва тергов қилиш субъектлари ҳамкорлигининг самарадорлиги ошишига ҳисса қўшган;

терговчи (суриштирувчи)нинг терговга қадар текширувни амалга оширувчи ёки тезкор-қидирув тадбирларини амалга оширувчи органларга топшириқлар бериши, уларнинг ижроси устидан назорат олиб боришига оид таклифлардан Ўзбекистон Республикасининг «Суриштирув институти такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Қонунини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Қонунчилик ва суд ҳуқуқ масалалари қўмитасининг 2017 йил 24 ноябрдаги 06/1-05/2894-сон маълумотномаси). Мазкур таклифларнинг амалга оширилиши терговчи (суриштирувчи)нинг жиноят қидирув бўлинмаларига шахсни ушлаб туриш, келтириш, қидириб топиш тўғрисида топшириқлар бериши; улардан айрим тергов ҳаракатларини ўтказишда кўмаклашишни талаб қилиши; ўз юритувидаги ишлар бўйича айрим процесуал ва тезкор-қидирув тадбирларни ўтказиш ҳақида ёзма топшириқлар бериши, ўз топшириқлари, кўрсатмалари, талаблари бажарилиши устидан назорат олиб бориши каби ваколатларининг қонуний асосини мустаҳкамлашга хизмат қилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 11 та илмий анжуман, жумладан 4 та халқаро, 6 та Республика илмий-амалий конференцияларда апробациядан ўтган.

Тадқиқот натижаларининг чоп этилиши. Тадқиқот мавзуси бўйича жами 29 та илмий иш, жумладан 1 та монография, 17 та мақола (улардан 3 таси хорижда) ҳамда турли тўпламларда 11 та тезис (жумладан 4 таси хорижда) чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ҳамда иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 156 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида тадқиқот мавзусининг долзарблиги ва зарурати, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига боғлиқлиги, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, диссертация мавзусининг диссертация бажарилаётган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, объекти ва предмети, усуллари, илмий янгилиги ва амалий натижаси, тадқиқот натижаларининг ишончлилиги, илмий ва амалий аҳамияти, жорий қилиниши, апробацияси, натижаларнинг эълон қилинганлиги, диссертациянинг ҳажми ва тузилиши ёритилган.

Диссертациянинг *биринчи боби* **«Ички ишлар органлари терговчисининг жиноят қидирув бўлинмалари билан ҳамкорлигининг назарий ва ҳуқуқий асослари»** деб номланган бўлиб, унда ҳамкорлик тушунчасининг моҳияти ва аҳамияти, терговчининг жиноятни очиш субъектлари билан ҳамкорлиги норматив-ҳуқуқий ривожланишининг генезиси ёритилган, ушбу ҳамкорликнинг шакл ва принциплари таснифланган, шунингдек тегишли фикр ва ғоялар илгари сурилган.

Диссертантнинг фикрича, терговчининг жиноят қидирув бўлинмалари билан ҳамкорлигининг зарурлиги ҳамкорлик қилувчи субъектлар фаолиятининг ижтимоий муҳимлиги; ҳамкорлик субъектлари фаолиятининг воситалари, усуллари ва ҳуқуқий базасининг фарқланиши; ушбу ҳаракатлар натижаларининг ҳуқуқий табиати ўзаро фарқланишида ўз ифодасини топадиган бир қатор объектив омиллар билан боғлиқ.

Диссертант эътиборни терговчи ҳамкорлигининг тушунчаси ва аҳамиятини ёритишга қаратган. Унинг фикрича, *«ички ишлар органлари терговчисининг жиноят қидирув бўлинмалари билан ҳамкорлиги – жиноят-процессуал ва тезкор-қидирув қонунида, қонун ости ва идоравий норматив ҳужжатларда асослаб берилган, бир-бирига бўйсунмайдиган ички ишлар органлари терговчиси ва жиноят қидирув бўлинмалари ходимларининг жиноятларни ўз вақтида, тўлиқ, сифатли очиш ва тергов қилишга, жиноят содир этган шахсни жиноий жавобгарликка тортишга қаратилган, ҳар бир иштирокчи белгиланган ҳаракатларни мустақил равишда бажаришида терговчининг ташкилотчилик ролини назарда тутадиган биргаликдаги,*

уйғун, узлуксиз фаолиятидир». Муаллифнинг тушунчалар аппаратини аниқлаштириши терговчи ҳамкорлигининг процессуал ҳаракатлар ва тезкор-қидирув тадбирлари тизимидаги ўрни ва аҳамиятини белгилаб берди. Бунинг учун тадқиқотчи ушбу таърифни Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 39[3]-моддасида мустаҳкамлаб қўйиш мақсадга мувофиқлигини асослантирди.

Шу билан бирга Ўзбекистон жиноят процессида моҳиятни, аҳамиятни тушуниш учун зарур бўлган терговга қадар текширув ёки тезкор-қидирув фаолиятини амалга оширувчи органлар билан ҳамкорлик институти ривожланишининг генезиси келтирилади. Терговчининг ваколатлари тартибга солинган 1959 йилги ЖПКнинг 30-моддаси ҳамда ҳозирги Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 36-моддаси қиёсий таҳлил қилинганида терговчининг жиноятларни очиш субъектлари билан ҳамкорлиги борасидаги ваколатларидаги фарқлар унча катта эмаслиги аниқланди. Бу терговчининг жиноят қидирув ходимлари билан ҳамкорликни амалга ошириш тартиби бир неча ўн йиллар давомида юридик-ҳуқуқий соҳада тубдан янгиланишлар бўлганига қарамай, ижобий ўзгаришларга олиб келмаганидан далолат беради. Шундан келиб чиқиб, диссертант ички ишлар органлари терговчисининг жиноят қидирув бўлинмалари билан ҳамкорлигини ташкил қилишни назарий, жиноят-процессуал, тезкор-қидирув тартибга солишни тегишлича янгилаш зарурлигини асослаб берган.

Муаллиф терговчининг жиноят қидирув бўлинмалари ва бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари билан дастлабки тергов босқичидаги биргаликдаги мувофиқлаштирувчи фаолияти стратегиясини норматив-ҳуқуқий тартибга солишда тегишли ўзгартишлар ишлаб чиқиш ва жорий этишга қаратилган жиноят-процессуал ҳамкорлиги ўз вақтида норматив-ҳуқуқий таъминланишини мониторинг қилган. Уни ривожлантириш бўйича асослантирилган таклифлар берилган. Тадқиқотчи амалдаги қонунчилик ва ҳуқуқни қўллаш амалиётининг хусусиятларини таҳлил қилган, олимларнинг (Ф.М.Мухитдинов, Т.Р. Саитбаев, А.А. Хамдамов, Д.М.Миразов, А.А.Матчанов, Б.Б. Хидоятов, Ш.Ф. Файзиев, Н.А. Аменицкая, Т. Плеснёва ва бошқ.) ушбу соҳадаги қарашларини ўрганиш натижасида улар билан илмий баҳсга киришиб, ҳамкорликнинг тушунчаси, шакл ва принципларини ажратиб кўрсатган, уларга муаллифлик таърифларини берган.

Диссертациянинг ушбу бобида жиноят-процессуал ҳуқуқ назариясида билдирилган ҳамкорлик асослари, шакл ва принциплари, шунингдек амалдаги ЖПК нормаларининг талаблари ҳақидаги фикрларни таҳлил қилиш асосида ушбу тушунчаларнинг муаллифлик таърифлари ишлаб чиқилган. Келтирилган принциплар муайян талабларга мувофиқ келиши учун диссертациянинг ушбу бобида ҳамкорлик қилувчи томонларнинг функцияларини қатъий ажратишдек хусусиятларини акс эттириш; жиноятларни очиш ва тергов қилиш жараёнида терговчининг процессуал имкониятлари ҳамда жиноят қидирув ходимларининг тезкор-қидирув имкониятларидан самарали фойдаланиш; ҳамкорлик қилувчи қидирув субъектларининг [фаолиятини] мувофиқлаштириш зарурлиги; жиноят-қидирув ходимларининг тезкор-қидирув фаолияти восита ва усулларини танлашда мустақиллиги; ички

ишлар органлари терговчисининг жиноятни очиш ва тергов қилишда жиноят-қидирув бўлинмалари билан ҳамкорлигининг узлуксизлиги ва бошқалар илмий жиҳатдан асослаб берган.

Ҳамкорлик шаклларини тўғри таснифлаш суд-тергов амалиётида биргаликдаги фаолият самарадорлигини таъминлашда алоҳида аҳамиятга эга. Масалан, тадқиқотчи ҳамкорлик шаклларини таснифлашнинг асосий мезони Ўзбекистон Республикаси ЖПКда бевосита назарда тутилган функцияларнинг терговчи ҳамда жиноят қидирув бўлинмалари ходимлари томонидан бажарилиши, деб ҳисоблайди. Унинг фикрича, агар субъектлар ҳамкорлик чоғида процессуал функцияларни бажармасалар ёки ушбу функциялар ЖПКда бевосита назарда тутилмаган, аммо бошқа идоравий норматив ҳужжатларда тартибга солинган ёки амалиётда ишлаб чиқилган бўлса, уларнинг ҳаракатлари ҳамкорликнинг нопроцессуал шаклларини ташкил қилади. Айни вақтда, ҳамкорликнинг амалиётда ишлаб чиқилган шакли жиноят-процессуал қонуннинг қоидаларига зидлигини англатмаслиги, улар бошқа норматив ҳужжатларда белгиланган бўлиши мумкинлиги таъкидлаб ўтилади.

Диссертация биринчи бобининг якуний қисмида суд-тергов амалиётининг жиноят-процессуал қонун ҳужжатларига тўлиқ мос эмаслиги терговчининг жиноят-қидирув бўлинмалари билан самарали ҳамкорлигига тўсқинлик қилувчи асосий омил эканлиги ҳақида хулоса чиқарилади, ушбу вазият ҳамда унинг салбий оқибатлари очиб берилган ҳолда уларни бартараф этиш юзасидан тавсиялар берилади.

«**Ички ишлар органлари терговчисининг жиноят қидирув бўлинмалари билан ҳамкорлигини ташкил қилишнинг ҳуқуқни қўллаш амалиётини ўрганиш**» номли иккинчи бобда жиноят-процессуал ва тезкор-қидирув фаолиятининг ўзаро нисбати, жиноятлар ҳақидаги ариза ва хабарларни терговга қадар текшириш жараёнида терговчининг жиноят-қидирув бўлинмалари билан ҳамкорлигининг хусусиятлари, шунингдек дастлабки терговни амалга оширишнинг дастлабки ва кейинги босқичларида ҳамкорликни ташкил қилишнинг жиноят-процессуал ва тезкор-қидирув жиҳатлари батафсил ёритилган.

Муаллифнинг таъкидлашича, жиноят-процессуал ва тезкор-қидирув фаолияти субъектлари қўйилган вазифа ва мақсадларни тегишли қонунларда белгиланган турли усуллар билан ҳал қиладилар. Бу жиноят-процессуал фаолият субъектлари учун – Ўзбекистон Республикаси жиноят-процессуал қонунчилиги (ЖПК), тезкор-қидирув фаолияти субъектлари учун эса «Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида»ги қонуни ва бошқа идоравий норматив ҳужжатлардир. Яъни, мазкур субъектлар фаолиятида қўйилган мақсадларга эришиш воситалари ва методлари фарқ қилади. Диссертацияда таъкидланишича, айнан жиноят-процессуал ҳаракатлар ва тезкор-қидирув тадбирларининг ўзаро нисбати (ҳамоҳанглиги) терговчи ва жиноят қидирув бўлинмалари ўртасида ҳамкорлик қилиш заруратини юзага келтиради. Яъни, тезкор-қидирув хусусиятига эга усул ва методлар тергов ҳаракатларини муваффақиятли ўтказишда ёрдам беради, тезкор маълумотлардан эса тергов жараёнида йўналиш берувчи маълумот сифатида фойдаланилади.

Жиноят-процессуал ва тезкор-қидирув фаолияти субъектларининг фаолиятида ўзаро нисбат ва фарқ бўлиши зарурлиги асослаб берилган. Шу билан бирга, муаллиф жиноятчиликка қарши курашишда ҳал қилинадиган вазифалар умумий бўлишига қарамай, мазкур органлар унга эришиш восита ва усулларини танлашда мустақил эканлигини ва бир-бирига боғлиқ эмаслигини таъкидлайди. Ушбу субъектлар бири бошқаси билан алмаштирилишини истисно этадиган ва фақат унгагина хос бўлган воситалар билан иш кўриши асослаб берилган.

Муаллифнинг фикрича, жиноят ҳақидаги ариза ва хабарларни терговга қадар текшириш ҳамда жиноят иши қўзғатиш босқичида терговчининг раҳбарлиги остида жиноят қидирув бўлинмалари билан ўз вақтида ва самарали ҳамкорлик қилиниши жиноятларнинг очилиши ва сифатли тергов қилинишида муваффақият гарови ҳисобланади. Тадқиқотчининг таъкидлашича, терговнинг дастлабки босқичида ички ишлар органлари терговчисининг жиноят қидирув бўлинмалари билан ҳамкорлиги – ички ишлар органларидаги икки мустақил тузилманинг қонунлар ва қонуности ҳужжатларга риоя этишга асосланган, жиноят иши қўзғатиш учун асосларнинг ишончлилигини энг самарали тарзда аниқлаш мақсадида бирлашган, келишилган, биргаликдаги ишидир.

Тадқиқотда терговга қадар текширувни ўз вақтида бошламаслик, уни ўтказиш методикасини бузиш, жиноят иши қўзғатиш учун асослар ҳақидаги тўпланган материалларнинг тўлиқ эмаслиги, терговга қадар текширув жараёнида терговчи билан жиноят қидирув бўлинмаларининг ҳамкорлик даражаси етарли эмаслиги, шунингдек, айрим холларда тергов ва тезкор-қидирув бўлинмалари ходимларининг инсон ҳуқуқлари ҳамда қонун талабларига амал қилмаслиги, хусусан, жиноятлар ҳақидаги хабарларни қабул қилиш босқичида (жиноятларни ҳисобдан яшириш, содир этилган жиноятлар ҳақидаги хабарларни сохталаштириш, аризаларни қабул қилишни турли баҳоналар билан рад этиш), жиноятлар ҳақидаги хабарларни терговга қадар текшириш ва процессуал қарорлар қабул қилиш босқичида ҳам (жиноят аломатлари аниқ бўлгани ҳолда жиноят иши қўзғатишни асоссиз равишда рад этиш, терговга қадар текширув муддатларини ўтказиб юбориш, процессуал қарорни ўз вақтида қабул қилмаслик, терговга қадар текширув босқичида рухсат этилмаган тергов ва бошқа ҳаракатларни амалга ошириш кабилар) терговчининг терговга қадар босқичда жиноят қидирув бўлинмалари билан ҳамкорлигининг салбий жиҳатлари сифатида келтирилган.

Шу муносабат билан, муаллиф Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 36-моддасига терговчининг терговга қадар текширув босқичида тезкор-қидирув фаолиятини амалга оширувчи органларга топшириқлар бериш борасида ваколатларини кенгайтириш ҳақида ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш таклифини асослаб берган. Шунга асосан, «Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг 15-моддаси биринчи қисмида ҳам ушбу тўлдиришни «суриштирув, тергов органларининг ёзма топшириғи» жумласини *«терговчи, суриштирувчининг жиноятлар тўғрисидаги аризаларни, хабарларни кўриб чиқиш жараёнида, шунингдек ўз*

юритувига олган ишлар бўйича терговчи, суриштирувчининг тезкор-қидирув тадбирларини бажариш ҳақидаги ёзма топшириқлари» жумласига ўзгартирган ҳолда мустаҳкамлаб қўйиш таклиф этилган.

Диссертантнинг фикрича, терговчининг тезкор-қидирув фаолияти материаллари билан танишиши масаласи ҳам қонун билан тартибга солинмай қолмоқда. Шу ўринда, терговчига жиноят ишида амалга оширилиши лозим бўлган ҳамда ўзи тергов қилаётган жиноят ишига тааллуқли материаллар билан махфийлик тартибига амал қилган ҳолда танишишига рухсат бериш мақсадга мувофиқдир.

Шу муносабат билан, муаллиф ЖПКнинг 36-моддаси биринчи қисмига терговчига тезкор-қидирув фаолиятини амалга оширувчи органларнинг тергов қилинаётган ишига алоқадор материаллари билан махфийлик тартибига риоя этган ҳолда танишиш ҳуқуқини бериш ҳақида қўшимча киритишни таклиф этган.

У, шунингдек, қабул қилинган қонунчилик ҳужжатларида «етарли маълумотлар» атамаси на норматив, на назарий ёки методик жиҳатдан аниқ таърифланмаганлигини кўрсатиб ўтган. Диссертант *етарли маълумотлар* деганда жиноятнинг у ёки бу таркибидаги аниқ белгиларга эга бўлган фактик маълумотларни тушунишни таклиф қиладики, одатда бундай белгилар ҳар доим ҳам аниқ бўлмайди, ушбу маълумотларни пухта текшириш айрим ҳолатлардаги сабаб ва оқибатларни аниқлаш жараёнида аниқланади.

Диссертациянинг мазкур бобида ҳаётнинг барча соҳаларида амалга оширилаётган ислоҳотлар ҳамда давлат органлари фаолиятининг шаффофлиги ва очиқлигига оид ҳозирги замон талабларини инобатга олган ҳолда, шунингдек, ривожланган хорижий мамлакатларнинг илғор тажрибасини ўрганиш асосида, муаллиф терговчи билан ҳамкорликда фаолият кўрсатаётган жиноят қидирув бўлинмаларини жиноят процесси субъектлари сифатида эътироф этилиши ҳамкорликнинг ташкил қилинишини такомиллаштиришда ҳал қилувчи роль ўйнаши ҳақида хулосага келади. Айни вақтда тезкор-қидирув фаолиятини амалга оширувчи органларнинг жиноят процесси субъектлари сифатидаги мақомини қонунда мустаҳкамлаб қўйиш зарурлиги асослаб берилган. Тадқиқотчи тезкор-қидирув фаолиятини амалга оширувчи органларни (ушбу ҳолда жиноят қидирув бўлинмаларини) жиноят процесси субъектлари сифатида эътироф этишни таклиф қилади. Шу муносабат билан Ўзбекистон Республикаси ЖПКни тезкор-қидирув фаолиятини амалга оширувчи орган бошлиғи ва мансабдор шахслари ваколатини тартибга солувчи 39^4 модда билан тўлдириш таклиф этилади.

Шу билан бирга мазкур субъектлар ҳамкорлигининг суд-тергов амалиётини такомиллаштириш мақсадида, муаллиф терговчининг жиноятларни очиш ва тергов қилиш жараёнида жиноят қидирув бўлинмалари билан ҳамкорлигини ташкил қилиш тартиби тўғрисида идоравий Йўриқнома ишлаб чиқиш ва қабул қилиш ҳақидаги таклифини асослаб берган.

Диссертантнинг фикрича, терговчининг топшириқларини бажариш тартиби ва муддатини белгиловчи аниқ нормаларнинг мавжуд эмаслиги ҳамкорликни ташкил қилиш самарадорлигига салбий таъсир кўрсатувчи

сабаблардан биридир. Зеро, ушбу ҳолда терговчи топшириқларини бажаришнинг процессуал механизми йўқ. Худди шунинг ўзи терговчининг топшириқлари жиноят қидирув бўлинмалари томонидан асоссиз бажармаслигига сабаб бўлиши мумкин. Мазкур омиллар терговчининг топшириқларини бажаришнинг процессуал механизмини мамлакат ЖПК нормаларида мустаҳкамлаб қўйишга эътибор бериш зарурлигидан далолат беради. Шу сабабли диссертант ЖПКга терговчининг топшириқ, кўрсатма ва талабларини жиноят қидирув бўлинмалари томонидан бажариш тартиби ва муддатларини белгиловчи алоҳида нормани киритишнинг мақсадга мувофиқлигини асослаб берган Айни вақтда, Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг аввалги таҳририда 343-модда билан ушбу муносабатлар тартибга солингани келтирилади. Муаллиф Ўзбекистон Республикасининг ЖПКга терговга қадар текширув ёки тезкор-қидирув фаолиятини амалга оширувчи органлар суриштирувчи, терговчининг топшириқ, кўрсатма ва талабларини бажаришини тартибга соладиган 39[5] модда сифатидаги алоҳида норма киритишни таклиф қилади.

Диссертант бир қатор муаллифлар (Т.Р. Саитбаев, Д.М. Миразов, Б.Б. Ҳидоятов, А.А. Матчанов, Ш. Файзиев)нинг фикрларини таҳлил қилиш асосида жиноят қидирув бўлинмалари билан терговчининг ҳамкорлигида муаммолар юзага келтирувчи асосий сабаб ушбу муносабатларнинг қонунда тартибга солинмаганлигида, деган хулосага келади. Терговчи жиноят қидирув бўлинмалари билан ҳамкорлик қилаётганида юзага келадиган муаммолар орасида қуйидагилар биринчи ўринга чиқади: терговчининг жиноят қидирув бўлинмалари билан ҳамкорлиги масалаларига оид нормалар умумий хусусиятга эга бўлиб, аниқ белгиланмаганлиги; амалдаги ЖПКда терговчининг терговга қадар текширув ёки тезкор-қидирув фаолиятини амалга оширувчи органлар сифатидаги жиноят қидирув бўлинмалари билан ҳамкорлигини тартибга солувчи аниқ нормалар мавжуд эмаслиги; ҳозирги вақтда мавжуд бўлган терговчининг терговга қадар текширув ва тезкор-қидирув фаолиятини амалга оширувчи органларга тезкор-қидирув ҳаракатларини бажариш ҳақида берган топшириқларини, тергов ҳаракатларини ўтказишда кўмаклашиш ҳақидаги талабларини бажаришнинг процессуал тартиби, шунингдек шахсларни тутиб келтириш, ушлаб туриш ва қидириш ҳақидаги терговчи қарорларининг бажарилиши ҳамкорлик бошланганлигининг кўриниши, холос; терговчининг жиноят қидирув бўлинмалари билан ҳамкорлигининг процессуал механизми ишлаб чиқилмаганлиги, ушбу механизмнинг куртакларигина мавжудлиги, амалда эса ҳамкорликнинг процессуал тартиби ҳозирги талабларга жавоб бермаслиги; суриштирув органларини кейинчалик уларга тергов функцияларини бериш ва уларнинг ваколатларини дастлабки тергов субъектлариники билан тенглаштириш тезкор-қидирув фаолиятини жиноят процесси доирасидан чиқариб юборганлиги, бу эса, ўз навбатида, терговчи билан тезкор-қидирув фаолиятини амалга оширувчи жиноят қидирув бўлинмалари ўртасидаги ҳамкорликда муаммоларни юзага келтирганлиги; мазкур ҳамкорлик субъектлари ўртасида шахслараро муносабатлар муаммоси мавжудлиги; терговчи ҳаракатларининг

тезкор ходим ҳаракатлари билан номувофиқлиги; терговчи топшириқларининг етарлича аниқ ифодаланмаслиги асосланган.

Ушбу ҳамкорлик субъектлари орасида ўтказилган сўровларда иштирок этган респондентлар ҳам терговчининг жиноят қидирув бўлинмалари билан ҳамкорлигига салбий таъсир кўрсатувчи омиллардан бири, асосан, ички ишлар органлари хизмат ва бўлинмалари ҳамкорлигининг норматив-ҳуқуқий асоси етарлича ишланмаганлигини (34,5% – ички ишлар органлари хизмат ва бўлинмалари ҳамкорлигининг норматив-ҳуқуқий базаси етарли ишланмаганлиги; 21,5% – терговчилар ва жиноят қидирув тезкор вакиллари иш ҳажмининг тенг эмаслигини; 19% – баъзан айрим терговчилар ва жиноят қидирув бўлинмалари ходимларининг ўз хизмат мажбуриятларига масъулиятсиз муносабатда бўлишини; 25% – самарали ҳамкорлик ва келишилган бирга-ликдаги иш учун моддий ва маънавий рағбатлантиришнинг аниқ тизими йўқлигини, шунингдек асосан терговчининг топшириқларини бажаришдан иборат бўлиб қолаётган ҳамкорликнинг суст ва самарасиз шаклларини) таъкидладилар.

Шу билан бирга, диссертация иккинчи бобининг якунида дастлабки терговни амалга оширишнинг биринчи ва кейинги босқичларида терговчининг жиноят қидирув бўлинмалари билан ҳамкорлигини ташкил қилишнинг жиноят-процессуал ва тезкор-қидирув тартиби, улар ўртасида самарали ҳамкорлик ўрнатилишига тўсқинлик қилувчи омиллар таҳлил қилинган, уларни бартараф этиш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

Диссертациянинг **«Ички ишлар органлари терговчисининг жиноят қидирув бўлинмалари билан ҳамкорлигини такомиллаштириш»** деб номланган учинчи бобида терговчининг ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари билан ҳамкорлигининг халқаро тажрибасидан фойдаланиш, шунингдек ички ишлар органлари терговчисининг жиноят қидирув бўлинмалари билан ҳамкорлигининг ҳуқуқни қўллаш амалиёти самарадорлигини ошириш йўллари тадқиқ этилган.

Жиноят-процессуал қонун ҳужжатлари мақсадларига эришиш ҳамда улар олдида турган масалаларни самарали ҳал қилиш учун тадқиқотчи, биринчи навбатда, жиноят процессида иштирок этувчи шахсларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган махсус процессуал кафолатлар тизимини такомиллаштириш зарурлигини таъкидлайди.

Терговчининг ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари билан ҳамкорлиги бўйича хорижий тажрибани ўрганиш асосида, муаллиф терговчининг жиноятчиликка қарши курашда ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари билан ҳамкорлиги бўйича илғор хорижий тажрибани оддийгина кўчириш ва мамлакатнинг миллий ҳуқуқий тизимига жорий этиш кутилган натижани бермаслиги ҳақида хулосага келади. Бунда ушбу тажрибани ижодий ишлаб ва мослаштириб, миллий менталитетни инобатга олган ҳолда, биринчи навбатда, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишни қўллаш вазифаси биринчи ўринга чиқиши баён этилган.

Муаллифнинг таъкидлашича, халқаро хусусиятга эга жиноятларни тергов қилишда ҳамкорлик ҳар бир давлатга тегишли ҳуқуқни муҳофаза қилиш органининг яхлит ҳамкорлик тизими устидаги ўзига хос устқурма эканлигини таъкидлайди.

Ушбу бобда муаллиф ички ишлар органлари тергов бўлинмаси бошлиғининг ҳамкорликни ташкил қилишдаги роли муҳимлигини таъкидлайди. Жумладан, ҳамкорликнинг аниқ шаклларига оид масалаларни жиноят қидирув бўлинмасининг бошлиғи билан келишиш, уни ташкил қилиш самарадорлигини яхшилаш бўйича таклифлар бериш, терговчиларга муайян иш бўйича жиноят қидирув бўлинмалари билан биргаликда ҳаракат қилиш йўллари ва шакллари ҳақида кўрсатмалар бериш мақсадга мувофиқлиги асослантирилган.

Шундан келиб чиқиб, диссертант ички ишлар органлари тергов бўлинмаси бошлиғининг терговчининг судга қадар босқичда жиноят қидирув бўлинмалари билан ҳамкорлигини идоравий назорат қилиши унинг дастлабки терговга раҳбарликни амалга ошириш бўйича ваколатларининг ажралмас таркибий қисми бўлиши лозим, деган хулосага келади. Ички ишлар органлари тергов бўлинмасининг бошлиғи ўз ваколатларини амалга ошириб, терговчининг тезкор вакил билан ҳамкорлигини йўналтириб туриши лозим. Масалан, бунда у ўз ваколатлари доирасида терговчининг олдига процессуал масалалар қўйиш ҳамда унинг юритувидаги жиноят иши бўйича жиноят қидирув бўлинмалари билан ҳамкорликда уларни қандай ҳал қилиш юзасидан кўрсатмалар бериш ваколатига эгалиги келтирилади.

Ҳозирги кунда мамлакатимизда барча соҳаларга ахборот ва коммуникация технологияларини кенг жорий этишга қаратилган изчил ислоҳотлар давом этаётганлигини инобатга олиб, тадқиқотчи «ички ишлар органлари терговчилари ва жиноят қидирув бўлинмаларининг ҳамкорлиги жараёнини қандай қилиб объективлаштириш мумкин?» деган саволга жавоб излаб, ҳамкорликни замонавий ахборот технологияларидан фойдаланган ҳолда ташкил қилиш зарурлиги, айнан ички ишлар органлари терговчисининг жиноят қидирув бўлинмалари билан ҳамкорлигида аниқланган жиноятларнинг очилишининг ҳисобини яратиш, улар асосида идоралараро (ёки ягона давлат) мамлакат аҳолиси ҳақида автоматлашган ахборот-излов тизими яратиш ҳақида хулосага келади. Шу сабабли терговчининг фаолиятига энг янги инновацион ва коммуникацион технологияларни татбиқ этиш, терговга қадар текширув ва тезкор-қидирув фаолиятини амалга оширувчи органлар билан онлайн-ахборот алмашиш ва узлуксиз фаолиятни таъминловчи электрон базани фаол жорий этиш ҳақидаги концепцияни ишлаб чиқиш зарурлиги асослаб берган.

Ички ишлар органлари терговчиси ва жиноят қидирув бўлинмалари ҳамкорлиги назарияси ва амалиётининг мавжуд муаммоларини тизимли таҳлил қилиш, муаллифга уларнинг ҳамкорликни ҳуқуқий, ташкилий ва илмий-техникавий таъминлаш бўйича концептуал моделини ифодалаш имконини бердики, уларнинг асосий мазмунини қуйидагилар ташкил қилади:

- ички ишлар органлари терговчилари ва жиноят қидирув бўлинмаларининг жиноятларни очиш ва тергов қилиш фаолиятидаги умумий ва махсус вазифа ва функциялар, ушбу органларнинг ҳамкорлиги шароитида уларнинг ечилишини ҳуқуқий ва ташкилий таъминлаш;

- мазкур органлар ҳамкорлигини замонавий ахборот технологияларининг имкониятларидан фойдаланиб ахборот билан таъминлаш бўйича тавсия ва қоидалар мажмуи;

- очилиши ва тергов қилиниши ички ишлар органлари терговчисининг жиноят қидирув бўлинмалари билан ҳамкорлигининг предметини ташкил этадиган жиноятнинг содир этилиш ҳолатлари ва усуллари ҳақидаги асосий маълумотлар.

ХУЛОСА

Ички ишлар органлари терговчисининг жиноят қидирув бўлинмалари билан ҳамкорлигини ўрганиш ва таҳлил қилишга бағишланган илмий тадқиқот натижалари бўйича ишлаб чиқилган таклиф ва тавсияларни қуйидагича ифодалаш мақсадга мувофиқ:

1. Терговчининг ҳамкорлиги тушунчаси билан боғлиқ назарий қарашларни илмий таҳлил қилиш орқали муаллиф ушбу тушунчани қуйидаги таҳрирда баён этишни таклиф этади:

«Ички ишлар органлари терговчисининг жиноят қидирув бўлинмалари билан ҳамкорлиги – жиноят-процессуал ва тезкор-қидирув қонунида, қонун ости ва идоравий норматив ҳужжатларда асослаб берилган, бир-бирига бўйсунмайдиган ички ишлар органлари терговчиси ва жиноят қидирув бўлинмалари ходимларининг жиноятларни ўз вақтида, тўлиқ, сифатли очиш ва тергов қилишга, жиноят содир этган шахсни жиноий жавобгарликка тортишга қаратилган, ҳар бир иштирокчи белгиланган ҳаракатларни мустақил равишда бажаришида терговчининг ташкилотчилик ролини назарда тутадиган биргаликдаги, уйғун, узлуксиз фаолияти».

